

338.48(043.3)

Н79

и

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:796.51(100)(46)

НОРЧАЕВ АСАТУЛЛО НОРБЎТАЕВИЧ

ХАЛҚАРО ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ
ЎСИШГА ТАЪСИРИ
(Испания мисолида)

08.00.11 – “Хорижий мамлакатлар иқтисоди” ихтисослиги

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2004

338.48(043.3)

H 79

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети
"Халқаро туризм менежменти" кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар:

иқтисод фанлари доктори,
профессор

Г.Г. Назарова

Расмий оппонентлар:

Иқтисод фанлари доктори,
профессор

А.А.Раззоқов

Иқтисод фанлари номзоди,
доцент

Н.Т.Файзибаева

Етакчи ташкилот:

"Ўзбектуризм" Миллий Компанияси

Диссертация ҳимояси 2004 йил "11" ноябри соат 9⁰⁰ да
Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисод фанлари
доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси
буйича Д.067.06.01 ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади.

Манзил: 700063, Тошкент, Ўзбекистон шох кучаси, 49 – уй.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт
университетининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2004 йил "8" октябри да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, иқтисод
фанлари доктори, профессор

М.Қосимова

М.С.Қосимова

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Кириш. Ўзбекистон Республикаси ривожланишнинг бозор муносабатлари йўлига ўтиши жараёнидаги макроиқтисодий ўзгаришлар мамлакатимизнинг ижтимоий – иқтисодий ҳаётига тобора кенг қўламда кириб келмоқда. Ўз ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқий тараққиёт йўлини танлаб олиш республикаимизнинг қатъий позициясидир. Республика иқтисодиёти барқарор ривожланиши учун иқтисодиётнинг барча тармоқларида иқтисодий ислохотлар жадал суръатлар билан амалга оширилиши жуда ҳам зарурдирки, бу ислохотлар фақат мамлакат ичидаги ижтимоий – иқтисодий ҳодисаларнигина эмас, балки халқаро муносабатлар соҳасидаги фаолиятнинг ривожланишини, ташқи иқтисодий алоқаларнинг тақомиллашиши ва кенгайишини, ишлаб чиқаришда, хизмат кўрсатишда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибасини назарий – амалий ютуқлари билан бойитиш каби вазифаларни ҳам амалга оширилишини тақозо этади.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзининг ва жаҳондаги бошқа мамлакатларнинг тажрибасидан олинган барча фойдали нарсаларни инкор қилмаган ҳолда республиканинг қатъий позицияси ўз ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқий тараққиёт йўлини танлаб олишдан иборатдир", – деган фикри, жумладан, хорижий мамлакатларнинг ривожланиш жараёнлари, уларнинг тажрибаларидан фойдаланиш зарурлигини яна бир бор қайд қилади.

Халқаро туризм ривожланган мамлакатлардан бири бўлган Испания тажрибасини ўрганиш, унинг мамлакат иқтисодий ривожланишидаги аҳамиятини ва иқтисодиётдаги ўрнини аниқлаш, ривожланиш параметрларини таҳлил қилиб, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун йўналишлар ишлаб чиқиш ва изланишлар олиб бориш катта илмий аҳамият касб этади.

Халқаро туризмнинг маркази ҳисобланган Европанинг туризм ривожланган мамлакатлари, шу жумладан, Испания давлати туризми тажрибаси илмий изланишларда жуда кам ўрганилган ва айниқса, бизнинг иқтисодий адабиётларимизда бу масалага етарли эътибор берилмаган.

Халқаро туризм иқтисоди, унинг мамлакат иқтисодий ривожланишига таъсири ҳақидаги масалаларга олимлар томонидан турли даврларда ҳар хил ёндашилган. Халқаро туризмнинг ривожланиш муаммолари ва мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини ўрганишга хорижий мамлакатларнинг В.Л.Смит, Дональд Ландберг, М.Кчишналор, Майк Ставенга, Р.М. Бломстор, Р.Ольге, Николсс,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли Т: 1992. 10 – б.

П.Э.Морфи, С.К.Плог каби етакчи олимлар илмий – амалий ишларини бағишлаганлар ва илмий хулосалари билан туризмнинг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Ҳамдўстлик мамлакатлари А.Ю.Александрова, А.Г.Грабар, А.Ивашенко, А.Кондратьев, А.Киреев, Б.Емильянов, В.А.Честникова, В.Сапрунова, В.Осеев, В.И.Азар, В.Кистанов, В.Ф.Малчанов, Д.К.Исмаев, Н.С.Баргуков, Р.А.Браймер, Н.Игорова, Ж.Коз, С.Кольник, Е.П.Пузакова, И.М.Новожилова, И.Зорин, И.Т.Балабанов ва яна бошқа кўплаб иқтисодчи олимларнинг ушбу масалаларга бағишланган илмий – амалий изланишлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йўлидан ривожланишга ва бозор муносабатлари шароитига ўтгандан кейин туризм соҳасини ўрганиш, тармоқ ривожланишига бағишланган илмий ишлар, мақолалар, ўқув – услубий ишлар юзага келмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётида туризмнинг тугган ўрни, иқтисодиётни оёққа турғазишда туризмнинг таъсири, унинг ташкилий – иқтисодий муаммоларининг маълум бир томонлари А.А.Раззоқов, А.Ф.Саидов, А.Таксанов, Б.М.Ҳусанбоев, Г.Г.Назарова, Т.Т.Ташмуратов, Н.Т.Тўхлиев, Н.Абдусаломова, Н.Т.Файзибаева ва яна бир қанча республикамиз иқтисодчи олимлари, амалиётчилари томонидан ўрганилган, лекин хорижий мамлакатлар туризмнинг бой тажрибаси, хусусан, Испания туризмига бағишланган изланишлар республикамизда энди ўрганилаётган янги тармоқдир. Ўзбекистон туризмида чет эл тажрибасини қўллашга бағишланган санокли илмий ишларда бу тармоқнинг баъзи бир томонлари ўз аксини топган бўлиб, туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишга таъсири, мамлакат иқтисодий ривожланишидаги ўрни ҳозирги вақтга қадар етарли ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади. Мазкур диссертация ишининг мақсади Испанияда халқаро туризмнинг ривожланиши, унинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни, иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганиш асосида Ўзбекистон туризмида илгор тажрибаларни қўллаш ҳамда уни шакллантириш ва ривожлантиришга онд илмий – амалий йўналишларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Қўйилган мақсадга мувофиқ диссертацияда қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш белгиланади:

- халқаро туризм ривожланиши босқичларини ўрганиш;
- халқаро туризм ривожланиш тенденциялари ва макроиқтисодий кўрсаткичлари таҳлилин бериш;
- жаҳон туризмида Испаниянинг ўрни ва салоҳиятини аниқлаш;
- халқаро туризмнинг Испания иқтисодий ривожланишига таъсири ва йўналишларини таҳлил қилиш;